

Мисрда «30 халқаро Қуръони Карим мусобақаси» ўтказилади



16:24 / 20.12.2023 1547

Миср Авқоф вазири Муҳаммад Мухтор Жума «**30 халқаро Қуръони Карим мусобақаси**»нинг тўрт ҳаками номини эълон қилди. Бу ҳақда Ал-Фажр нашри хабар берди.

Ушбу мусобақа 2023 йил 23 декабрь куни Дорул-Қуръонда, Мисрнинг Улуғ масжидида ва Ислом маданият марказида ўтказилади. Мусобақани қуйидаги ҳакамлар баҳолаб боришади:

1. Тағиуддин Мустафо Абдул Босит ат-Тамимий – фаластинлик олим, Судан Фанлар университетида тилшунослик ва фалсафа фанлари номзоди, Фаластин техника университети доценти.

2. Иорданиялик Тавфиқ Иброҳим Аҳмад Замра – Покистон Ислом университети доктори, Қуръони Карим халқаро танлови ҳакамлар ҳайъати аъзоси

3. Абкар Веллер Маду – Судандаги Омдурман университетиде араб ва исломшунослик фанлари доктори, Халқаро Қуръон мусобақаси ҳакамлар қўмитаси аъзоси.

4. Сенегаллик шайх Аҳмад Ал-Сағир Амби – Дакар Ислам институти бош котиби, араб таълими бўйича инспектор ва халқаро Қуръон мусобақаларининг ҳайъат аъзоси.

Мусобақа ғолибларини қимматбаҳо совғалар ва эсдалик ҳадялар кутмоқда.